

## ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИ ТАРМОҚЛАРИ: ВЭНЯН ВА БАЙХУА ТИЛЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-220-227>

**Хасанова Ф.М.**

Тошкент давлат шарқшунослик  
университети доценти, PhD  
[khasanovaferuza@inbox.ru](mailto:khasanovaferuza@inbox.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада қадимги хитой тилининг икки тармоғи: вэнян ва байхуа ҳақида Хитой, Россия, Ўзбекистон ва бошқа давлат тилшуносларининг фикр-мулоҳазалари таҳлил этилиб, байхуа тилининг манбалари, грамматик ва лексик хусусиятлари ҳақида хулосалар келтирилади.

**Калим сўзлар:** вэнян, байхуа, диглоссия, оғзаки мулоқот тили, даврлаштириш.

**Annotation.** This article analyzes the opinions of linguists of China, Russia, Uzbekistan and other countries about two versions of the ancient Chinese language: wenyang and baihua, and draws conclusions about the sources, grammar and lexical features of the baihua language.

**Key words:** wenyang, baihua, diglossia, spoken language, periodization.

**Аннотация.** В данной статье изучены мнения лингвистов Китая, России, Узбекистана и других стран о двух реалиях древнекитайского языка: вэньян и байхуа, а также делаются выводы об источниках, грамматических и лексических особенностях языка байхуа.

**Ключевые слова:** вэньян, байхуа, диглоссия, разговорная речь, периодизация.

Ҳар бир тил каби хитой тили ҳам ўз шаклланиш тарихига эга. Ванг Ли “Хитой тили тарихи” асарининг кириш қисмида қадимги хитой тилида икки тармоқ мавжуд бўлганлигини таъкидлаб ўтади: “Бири 先秦, яъни Цин давригача оғзаки нутқ асосида шаклланган қадимги хитой адабий тили. Ёзувчилар кейинги даврларда ушбу тилга тақлид қилиб асарлар ёзишган, бу вэнян тилидир; яна бири Танг ва Сунг даврларидан бошлаб шимолий шевалар асосида шаклланган қадимги байхуа тилидир”<sup>1</sup>.

Люй Шусянг “Хитой тили грамматикаси очерки” да хитой тили ва ёзувининг тарихи ҳақида қуйидаги маълумотларни баён этади: “Агар ҳар бир даврнинг ёзуви оғзаки нутқдаги ўзгаришлар таъсирига учраганда Жуо (эр.ав. 1046 - 221й.) ва Цин (эр.ав. 221-207й.) даврида яшаган одамлар шу давр тилида мулоқот қилганлиги боис ўз ёзувидан фойдаланишар эди; Танг (618-907

<sup>1</sup>王力。汉语史稿。上册。中华书局。1980年。89页。

й.) ва Сунг (960-1279 й.) даври одамлари ҳам ўз даври тилида гапириб, ўз ёзувини қўллашган бўларди. Яъни ўша даврнинг нутқига мос ёзув бўлар эди. Бу ҳолда масала анча енгил кечарди. Бироқ Жоу ва Цин даврига келиб, ёзув ва оғзаки нутқ орасида узилиш пайдо бўлди. Асар муаллифлари Жоу ва Цин даври тилидан фойдаланишди ва шу давр ёзувини қўллашди. Натижада 文言文 *wén yán wén* ёзма адабий тили вужудга келди. 文言 *wén yán* тилини “古文 *gǔ wén* (эски ёзма адабий тили) деб ҳам номлашади. Оғзаки мулоқот тилини эса 白话文 *bái huà wén* (кенг омма фойдаланадиган тил) деб аташади”<sup>2</sup>.

Қадимги хитой тили фонологияси ва диалектологияси соҳаси бўйича тадқиқотлар олиб орган Джерри Норман ҳам қадимги хитой тилида ёзма тил вэнян ва кундалик мулоқот тили байхуа каби икки тармоқ мавжуд бўлганлигини таъкидлаган.<sup>3</sup>

И.Т.Зографнинг ҳам бу масалада ўз фикрларини тасдиқлайди: “Хитойда параллел равишда икки тил мавжуд бўлган. Вэнян – “маданий нутқ” ёки “ёзма нутқ” ва байхуа “кундалик тил”. Булардан энг қадимийси вэнян бўлиб, эрамиздан аввалги V-III асрларда шаклланган тилдир. Байхуа – оғзаки мулоқот тилига яқин бўлган тил сифатида шаклланган тилдир”<sup>4</sup>.

Ўзбек хитойшунослик мактабининг асосчиларидан бири М.Ҳ.Махмудходжаев бу борада шундай фикр билдиради: “Вэнян – милоддан аввалги VII-VI асрдан то 1919 йил 4 май ҳаракатигача (ҳаммаси бўлиб 27 аср атрофида) ишлатилган. Вэнян сўзининг лексик-семантик таҳлилидаги биринчи 文 *wén* – “ёзма тилда ёзилган мақола” маъносини билдиради. 言 *yán* – тавсифламоқ; ёзмоқ, акс эттирмақ маъносини беради. Охириги 文 *wén* – асар, мақола каби маъноларни билдиради. 文言文 *wényánwén* – бу ёзма тилда мақола ёзмоқ тарзида таржима қилинади. Демак, 文言文 *wényánwén* – бу ёзма адабий тили”<sup>5</sup>.

Ж.Зиямухамедовнинг “Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари”да қадимги хитой тилига қуйидагича таъриф келтирилган: Вэнян – классик хитой ёзма адабиёти тили, бу тил 1919 йилгача Хитойда ҳукмрон тил бўлиб келди. Ҳозирги замонда унинг ўрнини байхуа – замонавий ёзма адабий тили (умумий миллий ёзма тил) эгаллаган<sup>6</sup>.

С.Мустафаева: “Вэнян – қадимги хитой адабий тилининг ёзма шакли. Дастлаб Цин сулоласи оғзаки тили асосида шаклланган. Хан сулоласи давридан кейин секин-аста оғзаки тил шаклидан узоклашиб борган, айниқса, Тангва Сунг сулолалари давридан бошлаб вэнян ва оғзаки мулоқот тил

<sup>2</sup> 吕淑娴。中国语法要略。商务印书馆出版社。1956年。26-27页。

<sup>3</sup> Norman J. Chinese. – Cambridge: Cambridge University Press, 1988.

<sup>4</sup> Зограф И.Т. Вэнянь и байхуа: взаимодействие двух форм изолирующего языка // Письменные памятники Востока. №1(8). – М., СПб., 2008.

<sup>5</sup> Махмудходжаев М.Х., Туратова М.А. Хитой тили тарихий фонологияси. – Тошкент: ТДШИ, 2009. – Б. 46.

<sup>6</sup> Зиямухамедов Ж.. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2016. – Б. 60.

ўртасидаги тафовут анча катта бўлган. XX аср бошларида, “4 май ҳаракати”дан кейин унинг ўрнини байхуа эгаллади<sup>7</sup>.

Маълум бўладики, қадимги хитой тилида икки тармоқ: вэнян ва байхуа тиллари юзага келган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу тиллар бир даврда фаол қўлланган.

Айрим тилшунослар хитой тили тарихида вэнян ва байхуа тиллари эмас, балки вэнян ва путунгхуа тилларининг бир вақтда муомалада бўлганлигини таъкидлашади. Жумладан, Д.А.Карпека “Сравнительная грамматика классического китайского языка вэньянь и современного литературного китайского языка путунгхуа” номли монографиясида путунгхуа ва вэнян тиллари бир вақтда тенг мавқеда қўлланган деган фикрни илгари суради. У бу ҳақда қуйидагиларни баён қилган: “Социоллингвистика нуқтаи назаридан путунгхуа ва вэнянларнинг ўзаро тенг мавқеда муомалада бўлиши ва ижтимоий-коммуникатив функцияси диглоссия термини билан белгиланади. Диглоссия – бу бир тилнинг икки версияси бўлиб, маълум бир ҳудудда айнан бир тилнинг икки шакли мавжуд бўлишидир”<sup>8</sup>. Ушбу таъриф айнан вэнян ва байхуа тиллари хусусида айтилган бўлганида эди, биз бу фикрларга тўлиқ қўшилардик, бироқ Д.А.Карпека сўзида давом этаркан, “вэнян ва путунгхуанинг жамиятда ўзаро таъсири ушбу вазиятнинг типик намунаси, лекин муҳим хусусиятлари билан бир қаторда, ушбу вазиятни қисман ёки чекланган диглоссия деб юритса бўлади” деган хулосага келади”<sup>9</sup>.

Д.А.Карпеканинг бу фикрларига қисман қўшилган ҳолда, айтиш мумкинки, биринчидан, вэнян ва путунгхуа тилларининг ўзаро таъсири хусусида гап борар экан, бунда диглоссия ҳодисасини “қисман диглоссия” сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек. Байхуа ва путунгхуа ҳам айнан бир нарсани англатмайди. Аксинча, путунгхуа бу Хитой Халқ Республикаси (1949 йилдан) нинг замонавий расмий тили, фонетик меъёри Пекин диалекти (шимолий диалектларга мансуб). Сунг сулоласи давридан бошлаб то “4 май” ҳаракатига қадар вэнян ва байхуа тиллари билан бир вақтда муомалада бўлган, бу даврда ҳали путунгхуа тили ҳақида гап бўлмаган. Иккинчидан, хитой расмий адабий тили сифатида путунгхуа тили қабул қилинганидан сўнг путунгхуа ва вэнян тиллари тенг мавқега эга бўлмаган, аксинча, путунгхуа тилида қисман вэнянизмлар сақланиб қолган, унинг элементлари ҳам кўпроқ публицистик жанрларда кузатилади.

Янг Жилин томонидан вэнян ва байхуа тилларига қуйидагича тавсиф берилган: “文言”是与“白话”相对而言的。“文言”是指我国先秦时代（春秋战国

<sup>7</sup> Мустафаева С.Т. Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, ТДШИ, 2014. – Б. 96.

<sup>8</sup> Карпека Д.А. Сравнительная грамматика классического китайского языка вэньянь и современного литературного китайского языка путунгхуа. – СПб: Восточный экспресс, 2020. – С.27.

<sup>9</sup> Карпека Д.А. Сравнительная грамматика классического китайского языка вэньянь и современного литературного китайского языка путунгхуа. – СПб: Восточный экспресс, 2020. – С. 28.

时期) 的口头语言为基础而形成的一种书面语言。“文言”在当初是脱胎于古口语的, 但写法简练精致。后来口语不断变化, 而文言文却越来越定型了。

*(Қадимги вэнян адабий тили Цин сулоласидан олдинги давр (эр.ав. 770-221 й.) даги хитой сўзлашув тилига асосланган тилдир. Вэнян тили аслида қадимги хитой сўзлашув тили асосида юзага келган, бироқ унинг ёзуви ихчам. Давр ўтиши билан оғзаки мулоқот тили бўлган байхуа тили ўзгаришларга дучор бўлган, вэнян тили эса шу шаклида қолган)<sup>10</sup>*

Хитой тилшуноси Дзянг Шаоюй эса вэнян ва байхуа тиллари хусусида қуйидаги маълумотни қайд этган: “20 世纪初的新文化运动反对文言文, 提倡白话文, “白话文”与“文言文”相对而言, 其涵义是很明确的”。*XX асрнинг бошларида янги маданий ҳаракат вэнян тилини муомаладан чиқариб, байхуа тилини қўллаб-қувватлаш ташаббусини илгари сурди. Вэнян ва байхуа тиллари қийсанса, ушбу ташаббуснинг моҳияти янада аниқроқ кўринади)<sup>11</sup>.*

Англашиладики, вэнян тили энг қадимий тил ҳисобланади, аммо бу тил муайян қолипда шаклланганлиги билан характерланади. Жамият ҳаётида турли ўзгаришлар юз берса-да, бу ҳолат вэнян тили лексикасида акс этмаган. Байхуа тили эса давр билан ҳамнафас тарзда ўзгариб борган ва сайқаллашган. Бу тилни ўша давр ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни акс эттирган оғзаки мулоқот тили сифатида баҳолаш мумкин.

Хитой тилшуноси Ху Ши байхуа сўзининг маъноси билан боғлиқ қуйидаги маълумотларни келтиради: “Мен азалдан шуни айтиб келаманки, “байхуа” сўзининг учта маъноси бор, биринчиси – бу саҳналарда “说白” - монолог тарзида содда сўзлар билан айтиладиган проза, яъни сўзлаб бериладиган ва осон тушуниладиган гаплар; иккинчиси – “清白”, яъни “тоза; соф” маъноларини англатувчи бирлик; учинчиси – “明白” “тушунмоқ; билмоқ; идрок этмоқ” сўзлари маъно моҳиятини акс эттирувчи сўз. Ушбу изоҳга асосланиб, эътироф этиш мумкинки, “Тарихий битиклар” (“史记”) ва “Миллоддан аввалги 260 йилдан милодий 20 йилгача Хан сулоласининг тарихий хроникаси” (“汉书”) каби тарихий солномаларда байхуа тилига оид жуда кўп лексик бирликлар учрайди; қадимги юэфу шеърлари, буддизм дини аҳқомлари таржималари, айнан бу даврга оид ёки шу даврга яқин битилган ёзма манбалар, Танг сулоласи даври кўшиқлари, тўртликлар байхуа тилида ёзилган асарлардир”<sup>12</sup>.

Англашиладики, байхуа тили, асосан, оғзаки мулоқот тили бўлган. У турли тарихий даврларда ҳам оғзаки тил шаклига яқин бўлганлиги билан ажралиб туради.

<sup>10</sup> 杨寄林·中国中小学生百科全书: 哈尔滨出版社·1995。54 页。

<sup>11</sup> 蒋绍愚. 文言和白话. : 《清华大学学报: 哲学社会科学版》2019 年, 第 2 期. <http://lib.cqvip.com/>

<sup>12</sup> 胡适《白话文学史》。武汉大学出版社。2014 年。第 14 页

Ўрта асрлар хитой-байхуа тили Сунг ва Юан сулолалари даври оғзаки тили сифатида ҳам юритилади. Танг даври новеллалари, Сунг, Юан, Минг, Чинг сулолари даври прозаси, романлари ва бошқа халқчил бадиий асарлар байхуа тилида ёзилган. Сунг ва Юан сулолаларидан кейинги даврларда қатор илмий ва иш юритиш ҳужжатлари ҳам шу тилда битилган. Айниқса, Сунг сулоласи даврида байхуа тилида жуда кўплаб турли жанрлардаги асарлар яратилган. Шу бос ушбу давр байхуа тили қўлланишидаги энг фаол давр ҳисобланади.

Хитой шимолий шеваларининг оғзаки шаклига яқин бугунги кунда биз *байхуа* деб айтаётган тил – замонавий хитой тилининг ёзма нутқ шаклини ўзида намоён этади. Ўз хусусиятлари, тилда юз берган таракқиёт сабаб Танг, Сунг, Юан, Минг, Чинг сулолалари давридаги байхуа тили бир-биридан фарқланади<sup>13</sup>.

Люй Шусянг ўрта асрлар байхуа тили ҳақида гапирар экан, “сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар асосида ушбу тилнинг икки локал турини ажратиш мумкин – шимолий ва жанубий гуанхуа. Шимолий гуанхуа маркази Яндзин шаҳри (ҳозирги Пекин) бўлса, жанубий гуанхуа маркази Лин-ан (ҳозирги Ханчжоу) шаҳри бўлган” дея таъкидлайди<sup>14</sup>. Демак, ўрта асрларга келиб Хитой ҳудудидаги шевалар таъсирида байхуа тилида шимолий ва марказий ҳудудларга хос лексик қатлам фарқлана бошлаган.

Люй Шусянг фикрининг мантиқий давомини ўзбек хитойшунос олимлари И.Н.Бекмуратов ва Ш.И.Шазамоновларнинг “Хитойда тил вазияти ва сиёсати (социоллингвистик таҳлил)” номли китобида ҳам кузатамиз: “Гуанхуа умумий номга эга бўлган Шимолий Хитой шевалари унинг ҳудудида тарқалган, ушбу ҳудудга Шимолий Хитой провинциялари ҳамда Сичуан, Юннан, Гуйчжоу ва Гуангси провинциясининг шимолий ғарбий қисми киради”<sup>15</sup>.

Хуллас, ўрта асарларга келиб Сунг ва Юан сулолалари даврида Хитой шимолида байхуа адабий тили шаклланиб, ундан, айниқса, XIV-XVI аср ёзувчи ва драматурглари муваффақиятли фойдаланишган. Байхуа тили алоҳида адабий тил сифатида шаклланишидан сўнг бу тилдан шимолий шевада сўзлашмайдиган, аммо байхуа тилида насрий асарларни эркин ёза оладиган ёзувчилар ҳам ўз ижодида фойдалана бошлаганлар.

<sup>13</sup>胡适《白话文学史》。武汉大学出版社。2014年。第14页

<sup>14</sup>吕叔湘。汉语语法论文集。北, 1955年。第22页

<sup>15</sup> Шазамонов Ш.И. ва Бекмуратов И.Н. Хитойда тил сиёсати ва вазияти (социоллингвистик таҳлили). – Тошкент, 2016. 45-бет.

И.М.Алексеевнинг фикрича, Сунг сулоласи даври хуабенлари эски хитой адабиётини демократлаштиришда катта ўрин тутган<sup>16</sup>. Шу боис бир қатор адиблар ўз асарларини хуабен<sup>17</sup>ларга тақлид қилиб яратишган.

Хуабен услубида ҳикоя ёзиш, айниқса, Минг сулоласи (1368-1644 й.) ҳукмронлигининг охирларида кенг оммалашган. Бундай асарлар алоҳида тўпламлар ҳолида нашр этилган. Айни пайтда улар энди оғзаки адабиёт намунаси сифатида эмас, балки халқ тилида ёзилган ва юксак бадиий маҳорати билан ажралиб турадиган ёзма адабиёт сифатида майдонга чиққан.

Сунг-Юан сулолалари даври хуабенлари (宋元话本) жанрида ҳикоялар оғзаки сўзлаб берилган. Шунингдек, соялар театри, кўғирчоқ театри ҳам хуабен жанрига мансуб бўлган. Баъзи манбаларда хуабен жанри *ҳикоя жанри* деб юритилади. И.Т.Зограф ҳам айнан ҳикоялар деганда хуабенларни назарда тутди.

Қадимги вэнян ва байхуа тиллари нафақат қўлланиш доираси, балки лексик-грамматик жиҳатдан ҳам жиддий фарқланган. М.В.Софроновнинг қайд этишича, вэнян тилининг лингвистик асоси қадимги хитой тилидир, байхуа тилининг лингвистик асоси эса ўрта асрлар хитой тили ҳисобланади<sup>18</sup>. Бундай дейилишига асосий сабаб ўрта асрларга қадар байхуа тили фақат оғзаки шаклда мавжуд бўлган, бу тилдаги барча жанрларга хос манбалар ўрта асрларга келиб ёзма шаклда муҳрлана бошлаган, яъни қоғозга туширилган. Ўрта асрларга етгунга қадар байхуа тили фақат оғзаки нутқда мавжуд бўлиб, айнан шу давр манбаларига вэнян тили элементлари аралашмаган.

М.В.Софронов қадимги хитой манбаларида ўзига хос ёзма тилнинг қўлланилишини ўша даврда Хитой худудида турли шевалар мавжуд бўлганлиги билан асослайди. Унинг фикрича, Хитой империяси турли тиллар ва шеваларда гапирувчи халқларни ёзув воситасида бирлаштирган, ана шундай шароитда универсал иероглифик ёзув ва ёзма тил (вэнян) турли этнослар орасидаги мулоқот тили вазифасини ўтаган<sup>19</sup>.

Хитой тилшуноси Сюй Ши-и ҳам “Хитой-байхуа тили тарихи” (汉语白话史) китобида вэнян ва байхуа тилларининг фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтган:

Биринчидан, вэнян ва байхуа тилларида мунтазам ишлатиладиган кўп сўзларнинг Хан сулоласи давридаёқ ўзаро алмашилиб қўлланганлиги кузатилади. Масалан: “树 *shù* (“дарахт”) ва “树木 *shùmù* (“дарахт”) сўзлари.

<sup>16</sup>Алексеев В.М. К демократизации старинной китайской литературы / Сборник в честь академика Ольденбурга С.Ф. – Л., 1934. – С. 40-42.

<sup>17</sup>宋元话本 Сунг Юан сулолалари даври хуабенлари. Бу жанрда ҳикоялар оғзаки тарзда баён қилинган, шунингдек, соялар театри, кўғирчоқ театри ҳам хуабен жанрига мансуб бўлган.

<sup>18</sup> Софронов М.В. Китайский язык и китайское общество. – М.: Наука, 1979. – С. 62.

<sup>19</sup> Софронов М.В. Кўрсатилган манба. – Б. 22.

Қадимги вэнян тилида “дарахт” сўзини ифодалаш учун 木 *mù* ишлатилган, бироқ бу энг қадимги битиклар, пиктограммаларга мансуб, 樹 *shù* эса унга нисбатан кейинроқ яратилган

Иккинчидан, байхуа ва вэнян тиллари орасидаги яна бир фарқ шуки, байхуа тилида жонли тилда фаол қўлланиладиган элементлар кўп учрайди. Масалан, ҳозирги хитой тилида “оила боши”, “оилани бошқармоқ” маъноларини англатувчи 当家 *dāngjiā* сўзи Сунг сулоласи даврида “绝妙 *juémiào* (“ажойиб, зўр”), “出色 *chūse* (“ўзини намоён қилмоқ, ажралиб турувчи”) маъноларида қўлланган.

Учинчидан, байхуа тилида ёзилган асарларда шевага хос сўзлар кўп қўлланган.

Хуллас, қадимги хитой тилида тилнинг икки тармоғи мавжуд бўлган. Қатор олимларнинг фикрига кўра, қадимги хитой тили дейилганда мумтоз хитой адабий тили – вэнян назарда тутилади. Бироқ хитой тилида ёзилган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар ва манбалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, вэнян тилидан ўзининг лексикаси ва грамматик табиатига кўра фарқ қиладиган оғзаки мулоқот тили – байхуа тили ҳам муомалада бўлган.

Хитой-байхуа тилининг лексик-грамматик хусусиятларини ушбу тилнинг вужудга келиш босқичида яратилган пингхуа, бяньвэн, юйлу ва роман жанридаги матнлар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. F.Khasanova/ The Role Of Baihua In Chinese Linguistics. //The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (TAJIIR). 2020. №10. SJIF: 5.498. Б 97-102.
2. Norman J. Chinese. – Cambridge: Cambridge University Press, 1988.
3. A. Karimov, F.Khasanova/ The Impact of Ancient Chinese on Baihua Language. //INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND ANALYSIS. ISSN(print): 2643-9840, ISSN(online): 2643-9875 Volume 05 Issue 01 January 2022 DOI: 10.47191/ijmra/v5-i1-11, Impact Factor: 6.072 Page No.- 77-82
4. Алексеев В.М. К демократизации старинной китайской литературы / Сборник в честь академика Ольденбурга С.Ф. – Л., 1934
5. Зиямухамедов Ж.. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2016. –
6. Зограф И.Т. Вэньян и байхуа: взаимодействие двух форм изолирующего языка // Письменные памятники Востока. №1(8). – М., СПб., 2008.

7. Карпека Д.А. Сравнительная грамматика классического китайского языка вэньянь и современного литературного китайского языка путунгхуа. – СПб: Восточный экспресс, 2020.
8. М.В.Софронюв. Введение в китайский язык. Москва, Издательский дом Муравей, 1996 г.
9. Махмудходжаев М.Х., Туратова М.А. Хитой тили тарихий фонологияси. – Тошкент: ТДШИ, 2009. –
10. Мустафаева С.Т. Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли лугати. – Тошкент, ТДШИ, 2014.
11. Ф.М.Хасанова. Хитой тилида бўғин, сўз, сўз бирикмаси ва сўз туркумларига ажратиш масаласи. Сўз санъати халқаро журнали. 2023 йил, 2 сон, <https://doi.org/10.5281/zenodo.00000000>
12. Шамаманов Ш.И. ва Бекмуратов И.Н. Хитойда тил сиёсати ва вазияти (социолингвистик таҳлили). – Тошкент, 2016.
13. 王力。汉语史稿。上册。中华书局·1980年。
14. 胡适《白话文学史》。武汉大学出版社。2014年。
15. 蒋绍愚. 文言和白话. : 《清华大学学报: 哲学社会科学版》2019 年, 第 2 期. <http://lib.cqvip.com/>